

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 3.01

2017 йил “18” 08



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2017 йил “24” 08

УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000 – Педагогика 120 000 – Гуманитар фанлар
Таълим йўналишлари:	5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил “24” августдаги “603”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- А.Шамшетова – ЎзДЖТУ, “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси, психология фанлари номзоди.
- Р.Мелибаева – ЎзДЖТУ, “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси.
- А.Носиров – Халқ таълими вазирлиги Умумтаълим муассасаларида ўқув-методик жараёнларни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи, ф.ф.д.

Такризчилар:

- И.Зокиров – Республика Таълим маркази директори (*кадрлар истеъмолчиси*).
- Х.Усманова – ЎзДЖТУ “Педагогика ва психология” кафедраси доценти, психология фанлари номзоди.
- Б.Умаров – Тошкент тиббиёт академияси “Педагогика ва психология” кафедраси профессори, психология фанлари доктори.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил “28” июндаги 5-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Психология бўйича муайян билимларга эга бўлиш ҳар қандай соҳада муҳим аҳамият касб этади. Ушбу фан доирасида талабаларга таълим-тарбия жараёнида ижтимоий психологик омилларнинг аҳамияти, психологик объектив қонуниятлар ва механизмлар, психик ривожланишнинг асосий хусусиятлари, шахс хулқ-атворининг ўзгариб бориши, психик таракқиёт ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақидаги билимлар ўргатилади.

“Умумий психология” фани умумқасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 1- 3 курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу фан талабаларнинг ўзини ва ўзгаларни яхшироқ билиш, турли психологик вазиятлар ва гуруҳларда муомала қилиш, эркин ва мустақил фикрлаш омиллари, психик ҳодисаларнинг қонуниятлари, психологик категориялар мазмуни ва моҳиятини кенгроқ англаб етишларига катта ҳисса қўшади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – бўлажак мутахассисларга шахс психологиясига оид қонуниятларни, умумий психология фанининг назарий методологик асослари, шахсда рўй бераётган ўзгаришларнинг шахс ижтимоий хулқ-атворига қай тарзда таъсир кўрсатиши мумкинлигини тушунтирувчи механизмлар тўғрисида билим беришдан иборатдир. Психологиянинг Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан ўрганилиши, жаҳон психология илмининг замонавий ютуқлари, психологиянинг принциплари ва психологиядаги мавжуд долзарб масалалар, психологик хизмат кўрсатиш масалалари, баркамол шахс таълим-тарбиясида ижтимоий психологик омилларнинг мазмун-моҳияти, психологиянинг илмий тадқиқот методларини билиши ва уларни амалда қўллай олиши, психология фанининг тармоқларини билиши юзасидан кўникмаларга эга бўлишлари, бўлғуси ўқитувчиларнинг психологик билимларини шакллантириш, ўқувчилар, ҳамкасблар ва ота-оналарнинг руҳий ҳолатини англаб олишга доир қобилиятларни таркиб топтириш, “Таълимнинг психологик қонуниятлари ҳамда тамойиллари”га мос ҳолда тегишли қарорлар қабул қилишга ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

– Умумий психология фанининг назарий асослари, билиш жараёнлари, шахснинг ички регуляцияси, ҳиссий эмоционал ҳолатлар, шахснинг индивидуал типологик хусусиятлари тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**

– Умумий психология фанининг асослари, психологик қонуниятлар, тушунчалар, тамойиллари, билиш жараёнларининг хусусиятларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

– талаба психологик ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш, психологик муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-Модул. Умумий психология

1- мавзу. Умумий психология фани предмети ва вазифалари

Психология фани ҳақида тушунчалар. Психология фанининг предмети ва асосий вазифалари. Психиканинг намоён бўлиши. Психологиянинг ўрганилиш босқичлари (бихевиоризм, необихевиоризм, неофрейдизм). Психология фанининг фанлар билан

ўзаро боғлиқлиги. Психология фанининг тармоқлари. Хорижий тилларни ўқитишнинг психологик жиҳатлари, хорижий тилни ўрганишнинг психологик принциплари, билиш жараёнларининг ўзига хослиги, инсонда хорижий тиллардаги матни ўқиш. Ахборот технологиялар асрида инсон психологиясининг ривож.

2- мавзу. Умумий психология фанининг илмий тадқиқот методлари

Ҳозирги замон психологияси илмий тадқиқот методлари. Б.Г.Ананьевнинг тадқиқот методлари классификацияси, кузатиш методаи ва унинг турлари, эксперимент методи, сўров методи ва унинг турлари, фаолият маҳсулини ўрганиш методи, тест методи, социометрия методи, биография методи. Проектив методлар.

3 -мавзу. Психика ва онгнинг тараққиёти

Психиканинг фелогенетик тараққиёти. Одам психикасининг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Онг структураси ва унинг асосий психологик характеристикаси. Юксак психик функцияларнинг таркиб топиши ва уларнинг тузилиши, Психиканинг субстрати –танадир. Юксак психик функцияларнинг субстрати –мия. Психиканинг вазифаси. Онг ва унинг шакллари. Онг тушуниш сифатида; рефлексияга нисбатан кобилиятлилик, ўз-ўзини кузатиш, ўзлигини англаш. Онгсизликнинг онглиликдан фарқи, уст онглилик ҳолатлари, онг тузилмаси, онгнинг таркиби, акс эттирувчанлиги, ижодийликнинг вужудга келтирувчанлиги.

4 -мавзу. Фаолиятнинг психологик талқини

Фаолият ҳақида тушунча. Фаолиятнинг психологик талқини. Фаолиятнинг турлари. Фаолиятнинг интериоризацияси ва экстериоризацияси. Ўйин фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари. Ўқиш фаолияти, унинг компонентлари ва психологик хусусиятлари. Меҳнат фаолиятининг психологик хусусиятлари. Фаолиятда мувафакқиятга эришиш. Фаолиятнинг шахс тараққиётидаги роли. Фаолият механизмлари, мотивлари, ҳаракат, мақсад, мнемик фаолият, фикрлаш фаолияти, фаҳм - фаросат воситасида турли хил муаммолар, масалалар ва жумбоқларни ечишга қаратилган фаолият. А.Н.Леонтев бўйича фаолият тузилиши. Фаолият ва мотивлар.

5- мавзу. Шахс

Шахс ҳақида тушунча, одам-инсон-индивидуаллик тушунчалари, шахс ижтимоий таъсирлар маҳсули сифатида: ижтимоий нормалар, санкциялар. Шахс назариялари эндопсихика ва экзопсихика. Марказий Осиё мутаффакирлари ижодида шахс камолоти. Чет эл психологиясида шахс назариялари. Рус ва ўзбек психолог олимларнинг шахс ҳақидаги илмий қарашлари. Биогенетик ва социогенетик назариялар. «Мен»-образи ва ўз-ўзига баҳо. Шахсга хос бўлган объектив сифатлар, онглилик, жавобгарликни ҳис этиш, ўз қадрини билиш

6- мавзу. Сизгининг психологик моҳияти

Сизги психик жараён сифатида. Сизгининг психофизиологик асослари. Сизгининг таснифи, сизги классификациялари, инсон фаолиятида сизгининг роли ва қонуниятлари, чет эл психологиясида сизги назариялари. Сизги когнитив жараённинг бошланғич нуқтаси (Р.Солсо). Анализаторлар. Сизгининг рецептор ва рефлектор назарияси.

7- мавзу. Идрок

Идрок ҳақида тушунча. Идрокнинг физиологик асослари. Идрок турлари. Идрокнинг асосий сифатлари. Идрокнинг индивидуал хусусиятлари. Идрокнинг асосий хусусиятлари унинг предметлиги, яхлитлиги, структуралиги, доимийлиги (константлиги) ва англашилганлиги. Идрокнинг янги қирралари.

8 - мавзу. Диққат психологик жараён сифатида

Диққат ҳақида тушунча. Диққатнинг нерв-физиологик асослари. Диққат турлари. Диққатнинг асосий хусусиятлари. Диққатнинг кўчувчанлиги, бўлиниши, кўлами, кучи, барқарорлиги ва бўлиниши Диққатнинг ривожланиши.

9 -мавзу. Хотира

Хотиранинг психик жараён сифатида ўрганилиши. Хотира ва унинг психифизиологик механизмлари. Хотира жараёнлари ва унинг турлари: ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотира, образ хотираси, психологияда эйдетик образлар, сўз-мантиқ хотираси, ихтиёрсиз хотира, ихтиёрӣ хотира, оператив хотира. Хотирадаги индивидуал фарқлар. Ёшга боғлиқ сифатлари. Хотиранинг нейрофизиологик ва биохимик назариялари. Хотирани мустаҳкамлаш қонуниятлари. Ассоциация ва унинг турлари. Хотира мураккаб психик жараён эканлиги, хориж психологиясида хотира борсидаги психологик фикрлари.

10 - мавзу. Хаёл ва тасаввур ҳақида тушунча

Хаёл ҳақида тушунча. Хаёлнинг физиологик асослари. Хаёл турлари ва тавсифи. Ширин хаёл, актив хаёл, пассив хаёл, продуктив хаёл, репродуктив хаёл, хаёлга келтириш образлари. Ижод ва хаёл. Тасаввур ва унинг талаба фаолиятидаги роли. Хаёл ва тасаввурнинг ўзаро алоқадорлиги. Хаёлнинг муҳим феноменлари. Аглютинация, гиперболизация, типиклаштириш, схематизация, акцентлаштириш жараёнлари. Хориж психолог олимларининг хаёл тўғрисидаги фикрлари. Хаёлнинг психобиологик ривожланиши. Хаёлнинг функциялари.

11- мавзу. Тафаккур

Тафаккурнинг билиш жараёни сифатидаги моҳияти ва шахс шаклланишида тутган ўрни. Тафаккурнинг нерв-физиологик асоси. Тафаккур операциялари. анализ-синтез, таққослаш, абстракция, умумлаштириш, конкретлаштириш, классификациялаш, системалаштириш. Тафаккурнинг мантикий шакллари. Тафаккур турлари. Тафаккур сифатларини инсон интеллектуал тараққиётидаги ўрни.

12 - мавзу. Нутқнинг психологик таснифи

Нутқ тўғрисида умумий тушунча. Тилнинг асосий функциялари. Нутқ фаолиятининг физиологик механизмлари. Нутқ ривожланиши даврлари. Нутқнинг ривожланиши хусусиятлари. Нутқ вужудга келишининг назариялари. Нутқнинг анатомик тасвири. Нутқнинг функционал элементлари. Нутқнинг эквивалент блок схемаси. Нутқ товушларнинг таснифи. Нутқнинг фонетик элементи. Нутқни идрок қилиш назарияси. Нутқ турлари (оғзаки нутқ, ёзма нутқ, монологик, диологик, полиологик нутқ, вербал, новербал, паралингвистик таъсир воситалари).

13 - мавзу. Эҳтиёж ва қизиқишларнинг психологик таснифи

Эҳтиёж тўғрисида умумий тушунча. Эҳтиёжлар фаолликнинг манбаи сифатида. Эҳтиёжларнинг турлари (индивидуал - якка шахсга йўналтирилган эҳтиёжлар, гуруҳий эҳтиёжлар, жамоавий, худудий, этник умумбашарий эҳтиёжлар). Инсон эҳтиёжининг ривожланиши.

Қизиқишнинг психологик таснифи. Қизиқиш муаммоси психологик нуқтаи назардан - Н.А.Рибников, Н.Д.Левитов, М.Ф.Беляев, Л.А.Гордон, Л.И.Божович, М.Г.Давлетшин, М.В.Воҳидов, В.А.Токарева, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқалар томонидан ўрганилиши. Психологияда қизиқишнинг турлари ва даражалари. Қизиқишнинг мазмун жиҳатидан ҳамда мақсад жиҳатидан фарқлари. Таълим жараёнига ижобий қизиқишларни ҳосил қилиш таълим самарадорлиги омили сифатида.

14 - мавзу. Шахс установакиси, эътиқоди ва дунёқараш

Шахс установакиси ёки англанилмаган майллари. Ижтимоий турмушда шахснинг установакиси масаласида Д.Н.Узнадзе тадқиқотлари ва натижалари. Шахснинг ижтимоий установакалари. Рус олими В.А. Ядовнинг диспозицион концепцияси, унда установакаларнинг тўрт босқич ва тўрт тизимли тавсифи. Элементар установакалар, ижтимоий установакалар, базавий ижтимоий установакалар, қадриятлар тизими.

Шахснинг эътиқоди. Шахснинг йўналганлиги. Йўналганликнинг энг муҳим таркибий қисмлари – масъулият, мақсадлар ва идеаллар, дунёқараш. Дунёқарашнинг таркиб топиши ва ривожланиши

15 - мавзу. Мотив ва мотивация

Мотивация. Мотив тушунчасига олимлар томонидан берилган таърифлар. Мотивация ва мотивларнинг назарий муаммолар Мотив муаммоси ва унинг ечимига доир мулоҳазалар. Ўзбекистон психологлари тадқиқотларида мотив ва мотивация муаммоси. Шахснинг шаклланишида мотивациянинг роли. Илк болалик ёш даврида хулқ-атвор мотивлари. Ўқув фаолияти мотивлари. Мотив классификацияси

16 - мавзу. Ҳиссиёт

Ҳиссиёт тўғрисида умумий тушунча. Ҳиссиётнинг ўзига хослиги. Эмоция, ҳиссиётнинг импрессив томони, эмоционал ҳаракатларнинг экспрессив томони, динамик стереотип, амбивалентлик. Ҳиссиёт ва эмоционал ҳолатларнинг физиологик асослари. Одам ва ҳайвон эмоциялари. Ҳиссий ҳолатларнинг ифодаланиши. Ҳиссий кечинмаларнинг шакллари. Ҳиссий тон, кайфият, аффект, стресс ҳолатлари. Юксак ҳислар. Праксик ҳислар, ахлоқий ҳислар, эстетик ҳислар, интеллектуал ҳиссиётлар. Шахс фидойилик туйғусини психологик баҳолаш. Ватанпарварлик ҳис-туйғусини баҳолаш мезонлари.

17 - мавзу. Ирода

Ирода ҳақида тушунча. Иродавий ҳаракатлар. Ироданинг нерв-физиологик асослари. Иродавий фаолиятнинг умумий хусусиятлари. Ирода борасидаги назариялар. Иродавий акт ва унинг тузилиши. Мақсад, тилак-хаваслар, ҳаракат мотивлари ва мотивлар кураши, қарорга келиш, қарорни ижро этиш, иродавий зўр бериш. Шахснинг иродавий сифатлари, иродани тарбиялаш, ироданинг индивидуал хусусиятлари.

18 - мавзу. Темперамент

Темперамент ҳақида тушунча. Темпераментнинг ривожланиш тарихи,

темперамент типи. Қадимги юнон олими Гиппократ таълимотига биноан, инсонларнинг темперамент хусусиятлари жихатидан ўзаро бир-бирдан тафовуллиниши. Олий нерв фаолияти типи ва темперамент. И. П. Павловнинг темперамент шартли рефлектор фаолиятининг индивидуал хусусиятларини келтириб чиқарувчи омиллар билан боғлиқлиги ҳақидаги таълимоти. Нерв системаси типларининг келиб чиқиши. Темперамент хусусиятлари. Темперамент типлари. Фаолиятнинг индивидуал услуби ва темперамент. Темпераментни таккомиллаштириш ва тарбиялаш. Касб танлаш ва темперамент. Оила қуришда темперамент мутаносиблиги масаласи.

19 - мавзу. Характер

Характер ҳақида тушунча. Характернинг нерв-физиологик асослари. Характер типологияси. Шахснинг муносабатларини акс эттирувчи характер хислатларининг тўртта тизимга ажратиш. Характер акцентуацияси. Характер таркиби. Характернинг шаклланиши, характер тузилиши ва хусусиятлари. Характернинг таркиб топишида тақлидчанликининг роли. Характернинг ҳосил бўлишида низоли вазиятларнинг тутган ўрни. Шахслараро муносабатларда шахс характер хусусиятларининг шаклланиши ва ривожланиши. Оилавий муносабатларда шахс характер хусусиятларининг ўрни.

20 - мавзу. Қобилият

Қобилият ҳақида тушунча. Қобилиятнинг сифат ва миқдор тавсифи. Қобилиятлар тузилиши. Талантнинг пайдо бўлиши ва тузилиши. Қобилият ва талантнинг табиий шартлари. Қобилият назариялари талқини Қобилиятларнинг ривожланиши. Қобилият ва ирсият. Қобилият ва касб танлаш. Таълим жараёнида иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда улар билан ишлаш муаммолари. Чет тилларини ўрганишда қобилиятнинг тутган ўрни.

2 - модуль. Ёш ва педагогик психология

1- мавзу. Ёш ва педагогик психология фанининг предмети, вазифалари ва тадқиқот методлари

Ёшлар психологияси ва педагогик психология фанининг предмети, вазифалари ва тадқиқот методлари, ёш ва педагогик психологияси фанининг тадқиқот соҳаси ва муаммолари, ёш ва педагогик психология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари, ёш давлари психологияси фанининг асосий муаммолари, ёш ва педагогик психологияси фанига оид илмий билимларнинг вужудга келиш тарихи, ёш ва педагогик психологияси фанининг тадқиқот методлари, ёш ва педагогик психологияси фанининг асосий соҳалари, ёш давлари психологияси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.

2 - мавзу. Психик тараққиёт ва таълим

Психик ривожланиш ҳақида тушунча, унинг ўзига хос хусусиятлари, психик ривожланишнинг асосий қонуниятлари. психик ривожланишнинг асосий омиллари, ёш тушунчаси, психик ривожланишни давраштириш муаммоси (қадимий ва замонавий таснифлар) ёш давларининг психоанализ назариясидаги таснифи ҳақида (З.Фрейд), социогенетик ёндашувда ёш давлари таснифи ҳақида (Е. Эриксон) ёш давларининг етакчи фаолият нуқтаи назаридан таснифланиши ҳақида (Д.Б.Элконин), психик ривожланишда ёш даври инқирози муаммоси, бир ёш инқирози ҳақида, илк болалик

даврида психик ривожланиш хусусиятлари, илк болалик даврида нутқнинг ривожланиш хусусиятлари. Илк болалик даврида ўз-ўзини англашнинг ривожланиши.

3 - мавзу. Мактабгача ёш даврида психик ривожланиш хусусиятлари

Мактабгача ёш даврида психофизиологик тараққиётнинг умумий тавсифи. Ўйин мактабгача ёшдаги боланинг етакчи фаолияти сифатида (ўйин фаолиятининг моҳияти, турлари, билиш жараёнлари ва шахс тараққиётига таъсир кўрсатиш механизмлари, ўйинчоқнинг бола психик ривожланишига таъсири муаммоси). Мактабгача ёш даврида билиш жараёнлари ва нутқнинг ривожланишига хос хусусиятлар. Ж.Пиаже феноменлари ҳақида тушунча. Мактабгача ёш даврида тафаккур эгоцентризми муаммоси. Мактабгача ёш даврида эмоционал-иродавий сифатларнинг ривожланиш хусусиятлари. Мактабгача ёш даврида ижтимоий эмоцияларнинг шаклланиши. Мактабгача ёш даврида мотивацион соҳадаги ўзгаришлар ва шахснинг «биринчи туғилиши» (А.Н.Леонтев). 7 ёш инкирози, унинг сабаблари ва аломатлари. Мактабга психологик тайёрлик муаммоси.

4 - мавзу. Кичик мактаб ёши даврида психик ривожланиш хусусиятлари

Кичик мактаб ёши даврида психик ривожланишнинг умумий тавсифи. Кичик мактаб ёшидаги боланинг мактабга мослашиши муаммоси. Кичик мактаб ёши даврида когнитив - аффектив соҳалардаги ривожланиш хусусиятлари. Кичик мактаб ёши даврида мотивацион соҳадаги ривожланиш хусусиятлари (ўқув фаолияти, шахслараро муносабатларнинг мотивацион асослари). Кичик мактаб ёши даврида боланинг ўзи ҳақидаги тасавурлари ва хулқ-атвори. Педагогик баҳо ва кичик мактаб ёши даврида психик ривожланиш алоқасининг психологик механизмлари. Кичик мактаб ёшида бола шахсининг ривожланиш хусусиятлари.

5 - мавзу. Ўсмирлик даврида психик ривожланиш хусусиятлари

Ўсмирлик давридаги психик ривожланишнинг умумий тавсифи (ўсмирликда жисмоний ўсиш хусусиятлари, жинсий етилиш жараёни, унинг психик ривожланишга таъсири ҳақида умумий тушунча). Ўсмирлик даври инирози ва унинг психологик, психофизиологик сабаблари. Ўсмирлик даврида интеллектуал ва эмоционал ривожланиш хусусиятлари. Ўсмирлик даврида мотивацион соҳадаги ривожланиш хусусиятлари (тенгдошлар билан мулоқот қилиш мотивацияси, ўқув фаолияти мотивацияси, жинсий хулқ-атвор мотивлари). Ўсмирлик даврида шахснинг ривожланиш хусусиятлари (шахс туғилишининг 2-даври – А.Н.Леонтев). ўсмирлик даврида ўз-ўзига баҳо бериш тизимининг ривожланиш хусусиятлари. ўсмирлик даврида характер акцентуацияси муаммоси.

6 - мавзу. Илк ўспиринлик ёши даврида психик ривожланиш хусусиятлари

Илк ўспиринлик даври психологиясига умумий тавсиф (психофизиологик ривожланиш хусусиятлари, ўқув фаолияти хусусиятлари, ижтимоий хулқ-атвордаги умумий ўзгаришлар). Илк ўспиринлик даврида интеллектуал ва эмоционал ривожланиш хусусиятлари. Илк ўспиринлик даврида дўстлашиш муаммосининг психологик хусусиятлари. Илк ўспиринлик даврида муҳаббат. Илк ўспиринлик даврида ўзини-ўзи англашнинг ривожланиши (ўзини-ўзи баҳолаш, ҳурмат қилиш, шахсий ва ижтимоий идентификация муаммолари). Илк ўспиринлик даврида ўқув-касбий фаолиятнинг етакчи фаолиятга айланиши ва касб танлаш муаммоси. Илк ўспиринликда касбга йўналтиришнинг психологик муаммолари. Ойлавий ҳаётга

психологик таёрлик тушунчаси. Ёшларни ойлавий ҳаётга психологик таёрлашда психологик билимнинг аҳамияти.

7 - мавзу. Педагогик фаолият психологияси

Педагогик фаолият психологияси. Ўқув фаолиятининг психологик моҳияти. Педагогик жамоадаги психологик муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари. Билимларни ўзлаштириш жараёни ва унинг психологик компонентлари. Таълим олаётган шахсга психологик-педагогик таъсир этиш. Педагоглар жамоасидаги ўзаро муносабатлар психологияси.

8 - мавзу. Таълим психологияси

Дифференциялаш ва кузатувчанликни шакллантириш. Билимларни ўзлаштириш жараёнинг моҳияти ва структураси. Ўқувчиларда илмий тушунчалар ва мантиқий тафаккурнинг шаклланиши.

Ўқувчиларда ақлий амаллар ва интеллектуал жараёнларнинг шаклланиш қонуниятлари. Ижодий тафаккур, унинг хусусиятлари ва шаклланиш йўллари.

Таълимнинг янги технологиялари ва унинг психологик масалалари. Таълим жараёнида психик жараёнларни ривожлантириш қонуниятлари. Таълим жараёнинг муваффақияти, ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар.

9 - мавзу. Тарбия психологияси

Тарбия назарияси бўйича турли хил концепциялар ва уларга муносабат. Инсон ҳулқининг ахлоқий асослари ва уни шакллантириш хусусиятлари. Шахснинг ўз-ўзини ва ўзининг ахлоқини назорат қилиш муаммоси тўғрисидаги билимлар. Тарбиянинг мақсади, вазифалари ва усуллари. Шахс тарбиясига комплекс ёндашиш принципи ва унинг психологик компонентлари. Тарбия жараёнида болаларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятлари. Таълим-тарбия ва ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоси. "Тарбияси қийин" болалар психологияси.

10 - мавзу. Педагог шахси

Педагог шахси психологияси. Педагогик маҳорат ва унинг шаклланиши. Педагогик қобилиятлар ва уларнинг структураси ҳамда уларни аниқлаш ва шакллантириш усуллари. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар. Ўқитувчи шахсининг ўқувчи шахси камол топишига таъсири. Ўқитувчи шахсининг хислатлари. Педагогик такт ва педагогик ахлоқнинг психологик асослари. Ўқитувчи шахси ва унга қўйиладиган талаблар. Педагог шахси ҳақида Шарқ мутафаккирларининг қарашлари. Педагог шахсига қўйиладиган психологик-педагогик талаблар ва унга оид зарур хислатлар. Педагогик профессиограмма. Педагогик такт психологияси.

11 - мавзу. Ўқитувчи психологияси

Ўқитувчи психологияси. Ўқитувчининг вазифалари. Ўқитувчининг касбига хос хислатлари. Педагогик қобилиятлар. Ўқитувчи профессиограммаси. Жамиятда ўқитувчининг туганган ўрни ва вазифалари. Замонавий ўқитувчига қўйиладиган талаблар. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар. Ўқитувчининг компетенцияси. Ўқитувчининг ўз малакасини ошириб боришнинг психологик муаммолари.

3 - модул. Ижтимоий психология

1 - мавзу. Ижтимоий психология фанининг предмети ва вазифалари

Ижтимоий психология фанининг предмети ва вазифалари. Ижтимоий психология шахс ва жамият муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи фан соҳаси сифатида. Психология ва социология – ижтимоий психология фанининг предметини аниқлашга имкон берган асосий фан тармоқлари сифатида. Ижтимоий психологик қарашлари, ривожланиш тарихи. Ижтимоий психологик билимларнинг уч назарий манбаси. Ижтимоий психология фан сифатида навқирон, ижтимоий психологик тафаккурнинг мавжудлиги нуқтаи назаридан ўта қадимий фан эканлиги.

2 - мавзу. Мулоқот ва шахслараро муносабатлар психологияси. Жамият ҳаётида мулоқотнинг тутган ўрни

Мулоқот – шахслараро муносабатларнинг асосий эҳтиёжи сифатида унинг ижтимоий моҳияти. Мулоқотнинг шахс ҳаётида – унинг ривожланиши ва шаклланишида тутган ўрни. Мулоқот - шахснинг алоҳида ижтимоий психологик сифатларини белгиловчи феномен сифатида. Мулоқотнинг ижтимоий психологик аҳамияти. Мулоқотнинг даражалари, турлари, босқичлари ва функциялари. Мулоқотда фазовий жойлашувнинг ўзига хослиги. Мулоқотнинг психологик тизими. Мулоқотнинг коммуникатив томони Г.М.Андреева асарларида мулоқотнинг ижтимоий психологик тизими оид қарашлар. Мулоқот шахслараро ахборотлар алмашинуви, коммуникация сифатида. Вербал ва невербал мулоқот тўғрисида тушунча, уларнинг психологик механизмлари ва мулоқотда коммуникатив самарадорлик масаласи. Коммуникаторга хос бўлган сифатлар. Мулоқотда нотиклик маданияти. Тинглаш – мулоқотнинг самарасини таъминловчи омиллардан бири. Д.Карнегининг тинглаш ҳақидаги фикрлари моҳияти

3 - мавзу. Мулоқотнинг шахслараро бир-бирини идрок қилишдаги роли

Мулоқот – интерактив ҳамкорлик сифатида. Интерактив мулоқотнинг ижтимоий психологик моҳияти. Шахснинг турли ижтимоий ролларни бажариш жарёнида ўзига ўхшаш шахсларга таъсир кўрсата олишини таъминловчи механизмлар. Таъсирнинг ташаббускори ва адресати. Ўзаро таъсир кўрсатишда вербал, невербал ва паралингвистик воситалардан фойдаланиш. Интерактив таъсир кўрсатишда ижтимоий мавқенинг роли. Педагогик авторитет, обрў – таълим тизимини бошқаришда ва бу жараёндаги шахслараро муносабатларда самарали механизм эканлиги. Мулоқот ва перцепция муаммоси. Ижтимоий перцепциянинг психологик механизмлари – идентификация, рефлексия ва стереотипизация феноменлари. Мулоқот жараёнида стереотиплар ва каузал атрибуция тушунчалари. А.А.Бодалев экспериментининг моҳияти ва уларни амалиётда қўллаш имкониятлари. Эмпатия – ўзгаларнинг ҳис-кечинмаларини тушуниш қобилияти эканлиги.

4 - мавзу. Этник гуруҳлар психологияси. Этнопсихология асослари

Этник гуруҳлар - катта ижтимоий гуруҳларнинг бир тоифаси эканлиги. Этнопсихология – айрим олинган миллатлар психологиясидан ташқари, турли халқлар, кичик миллий гуруҳлар психологиясини турли маданий-тарихий муҳитларда ўрганувчи фан тармоғи сифатида. Дастлабки этнопсихологик тадқиқотларнинг моҳияти. А.Р.Луриянинг Ўзбекистонда ўтказган тадқиқотининг асосий натижалари. Ю.В. Бромлейнинг этник гуруҳларни ўрганишга ёндашуви: 1) этник асос – этник характер, темперамент, миллий анъаналар ва удумлардан иборат барқарор асос ва 2)

ҳиссиёт соҳаси этник ҳис-кечинмаларни ўз ичига олган динамик қисмни ўрганиш зарурлиги. Этнопсихологиянинг Ўзбекистонда ривожланиш истикболлари

5 - мавзу. Катта ва кичик гуруҳлар. Ижтимоий гуруҳлар психологияси

Ижтимоий психологияда гуруҳ – асосий ўрганиш объектларидан бири эканлиги. Гуруҳларнинг классификацияси: катта ва кичик гуруҳлар. Шартли ва реал гуруҳ. Катта гуруҳларнинг ижтимоий моҳияти, функциялари ва тоифаланиши. Катта гуруҳларнинг таснифий белгилари. Катта гуруҳларда тадқиқотлар ўтказилишининг методологик тамойиллари ва муаммолари. Кичик гуруҳлар психологияси: классификацияси, қонуниятлар ва динамик жараёнлар. Кичик гуруҳларнинг шахс ривожланишида тутган ўрни. Кичик гуруҳлардаги ижтимоий психологик феноменлар тўғрисида. Кичик гуруҳларнинг классификацияси: расмий ва норасмий гуруҳлар, бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар. Референт гуруҳ тушунчаси. Кичик гуруҳларга оид қонуниятлар. Кичик гуруҳларда содир бўладиган динамик жараёнлар: гуруҳнинг ташкил топиши, ҳажми, уюшқоқлиги, гуруҳлардаги конформлилик, негативизм ва лидерлик ходисаларининг содир бўлиши ва уларнинг ижтимоий психологик моҳияти. Гуруҳий муносабатларда содир бўладиган жараёнлар: аффиляция, дўстлик ва севги муносабатлари

6 - мавзу. Ижтимоий психологияда шахс муаммоси. Шахснинг ижтимоий психологик типологияси

Шахс, индивид, индивидуаллик тушунчаларининг ижтимоий психологик моҳияти. Шахсни ўрганишнинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги. Индивиднинг шахс сифатида ривожланишига оид назарияларнинг моҳияти: биогенетик, социогенетик ва биосоциогенетик назариялар. Шахснинг “Мен” концепцияси ва образининг моҳияти. З.Фрейд бўйича “Мен” образи ва унинг тузилиши. Супер эго – ижтимоий муҳитдаги қадриятлар ва урф-одатлар сифатида шахснинг “Мен”ига таъсир ўтказиши. Ижтимоий психологияда шахснинг ижтимоий типларини ўрганишнинг ўзига хослиги ва зарурлиги: экстрове́рт ва интроверт типлар; мобил ва ригид типлар; доминант ва тобе типлар. Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан қабул қилиниши. Шахс шаклланишида ижтимоий муҳитнинг роли. Шахс ҳаётида ижтимоий назорат шакллариининг ўрни. Ижтимоий норма ва унинг шахсга сингдирилиши. Ижтимоий нормаларга амал қилиш – шахс ва жамият муносабатларидаги муҳим жиҳати сифатида. Ижтимоий санкция тушунчаси. Ижтимоий санкция – шахс ва жамият муносабатларини бошқарувчи асосий омил. Ижтимоий рол – шахснинг жамият аъзолари ундан кутадиган бурч ва мажбуриятлар тизимидан иборат механизм эканлиги. Роллар тўқнашувининг рўй бериши ва унинг оқибатлари.

7 - мавзу. Шахс ижтимоийлашуви муаммоси

Шахснинг ижтимоийлашуви тушунчаси. Э.Фроммнинг шахс ижтимоийлашуви механизмлари ҳақидаги назарияси. Ижтимоийлашув масканлари. Оилавий ижтимоийлашув ва унинг муҳим жиҳатлари. Шахс ижтимоийлашувида маҳалла ва таълим тизими институтларининг роли. Меҳнат жамоалари, ОАВ, дин, нодавлат ташкилотлар - шахс ижтимоийлашувида асосий масканлар сифатида. Ижтимоийлашув соҳалари: фаолият, мулоқот ва ўз-ўзини англаш соҳасида ижтимоийлашув. Ижтимоийлашув босқичлари: меҳнат фаолиятигача бўлган давр, меҳнат фаолияти даври ва меҳнат фаолиятидан сўнгги даврда шахс ижтимоийлашувининг ўзига хос жиҳатлари.

8 - мавзу. Шахсни психодиагностик баҳолаш

Шахс характери ҳақида тушунча. Шахсдаги туғма, орттирилган сифатлар ва уларнинг ижтимоий муҳитга боғлиқ сифатлар билан боғлиқлиги. Шахсни баҳолаш йўллари. Шахс психологик қиёфасини ўрганиш. Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши. Талабаларнинг психологик хусусиятлари. Талабаларда мустақил фикрлашни шакллантириш воситалари. *Нативизм* йўналишининг тарафдорлари (Ленц, Грубер ва бошқалар). *Эмпиризм* тарафдорларининг фикрлари. (Дж. Локк 1632 - 1704) Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши, турмуш тажрибасини ортиб бориши натижасида талабада ўзлигини англаш. Талабалик йилларининг муҳим хусусиятлари.

9 - мавзу. Қобилиятлар ва уларни аниқлаш методикаси

Қобилиятлар тўғрисида тушунча. Қобилиятларнинг сифат ва миқдор тавсифи. Қобилиятлар тузилиши. Қобилият, истеъдод, талант. Қобилият ва талантларнинг табиий шартлари. Қобилиятларнинг таркиб топиб бориши ва ривожлантиришнинг шарт-шароитлари. Талаба қобилиятларини ривожлантиришда ўқитувчининг роли. Иқтидорли талабалар билан ишлаш. Таълим жараёнида қобилиятларни ривожлантириш муаммолари.

10 - мавзу. Шахсда агрессиянинг намоён бўлиши

Шахслараро муносабатларда шахс агрессивлигининг намоён бўлиши. Агрессия – бу шахснинг кимгадир зиён этказиш мақсадида вербал ёки жисмоний зарар этказиши эканлиги. Агрессия турлари: вербал ва жисмоний агрессия ва уларнинг акти-пассив ҳамда тўғри-егри шакллари. Агрессия ҳақида биологик назарияларнинг моҳияти, З.Фрейд ва К.Лоренц назариясининг моҳияти. Агрессиянинг ижтимоий назарияси. Ф.Фелсон, Эгоизм – бу шахснинг бошқалар манфаатидан ўз манфаатини устун қўйиши билан боғлиқ бўлган шахс хусусияти эканлиги. Эгоистик хулқнинг шаклланишида оила муҳитининг ўрни катта эканлиги. Алтруизм тушунчаси, альтруизм ҳақидаги назариялар, альтруистик хулқнинг намоён бўлишида ижтимоий омиллар.

11- мавзу. Гуруҳлар билан ишлаш психологияси. Гуруҳларда низоли вазиятларни бошқаришнинг психологик асослари

Гуруҳлар билан ишлаш психологияси. Гуруҳларнинг шаклланиши. Гуруҳлар турлари. Гуруҳда шахслараро муносабат. Шахслараро низо, низоларнинг таркиби ва мазмуни. Жамоада ёки шахслараро низо ва унинг моҳияти. Низо фазалари, босқичлари. Жамоадаги ёки шахслараро низони бошқариш. Стресс ҳақида тушунча, унинг ижобий ва салбий оқибатлари.

Мулоқот ва шахслараро зиддиятлар. Низолар ва уларнинг келиб чиқиши. Низоларни бартараф этиш усуллари. Мулоқот жараёнида низоларнинг келиб чиқиш сабаблари. Низо – таракқиётга туртки бўлувчи омил сифатида. Шахслараро ўзаро мулоқотда зиддиятларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли: конструктив ва деструктив низолар ҳақида тушунча. Низоларнинг шахслараро мулоқот жараёнида, ишлаб чиқариш ва таълим-тарбия жараёнида келиб чиқиш шарт-шароитлари. Мулоқот ва низо муносабатидаги беш позициянинг аҳамияти. Самарали мулоқот ўрнатишни билиш – низоларни олдини олувчи омил сифатида. Меҳнат жамоасида пайдо

бўладиган низоларнинг босқичлари, уларни ўз вақтида бартараф этиш имкониятлари ва усуллари

12 - мавзу. Бошқарув психологияси. Лидерлик назариялари

Бошқарув психологиясини ўрганиш – давр талаби. Ўрта Осиё мутафаккирларининг асарларида бошқарув ҳақидаги фикрларнинг ёритилиши. Бошқарув ҳақида хориж психологиясидаги назариялар. Бошқарув услублари: авторитар, демократик ва либерал бошқарув услублари: уларнинг афзалликлари ва камчиликлари. Педагогик бошқарувнинг ижтимоий жиҳатлари. Раҳбарлик ва лидерлик тушунчаси, улар ўртасидаги фарқлар. Лидерлик ҳақидаги назариялар. Лидерлик ва суперлидерлик феноменлари. Суперлидерга қўйиладиган талаблар. Етакчилик (лидерлик) ва раҳбарлик. Ташкилотдаги таъсир ва ҳукмронлик. Лидер хулқ-атворида таъсир кўрсатувчи эҳтиёж ва мотивлар. Шахснинг лидерлик имконияти.

13 - мавзу. Жамоани бошқариш психологияси. Ходимлар психологияси.

Персонални бошқаришнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари. Бошқарув услуги таърифи.. Жамоадаги расмий раҳбар ва норасмий лидер. Психологиянинг бошқарувда тутган ўрни. Бошқарув психологиясининг предмети ва вазифалари. Бошқарув функцияси ва унинг вазифалари ҳақида тушунча. Раҳбарлик бошқарув фаолияти сифатида. Ходимлар типологияси Ходимлар мотивациясини бошқариш. Кадрлар сиёсатини амалга оширишда психологик билимлар. Бошқарув психологик жараён сифатида. Ташкилотда ходимлар адаптацияси. Инсон психикаси имкониятлари. Бошқарув фаолиятининг объектив асослари. Бошқарувнинг ташкилий қонуниятлари. Бошқарувнинг психологик қонуниятлари. Раҳбар эгаллаши зарур бўлган психологик билим йўналишлари.

14 - мавзу. Таълим муассасаларида психологик хизматни ташкил этиш. Психологик хизмат йўналишлари.

Психологик хизматнинг республикадаги ҳолати. Психологик хизмат ҳақида Низом. Низомнинг асосий бўлимлари. Психологик хизматнинг асосий йўналишлари. Психологик хизматнинг предмети, мақсади ва вазифалари. Халқ таълими тизимидаги психологик хизмат кўрсатиш турлари. Саноатда психологик хизмат кўрсатиш мазмуни. Транспорт тизимида психологик хизмат. Соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизмат. Физкультура ва спорт муассасаларида психологик хизмат мазмуни. Оилага психологик хизмат кўрсатиш шакллари. Юридик психологиянинг хизмат кўрсатиш соҳалари. Психологик хизматда психодиагностиканинг ўзига хос хусусияти. Психодиагностик тадқиқотларни ташкил этиш. Психолог бўлмаган мутахассисларга психологик тестларни ўтказишда қўйиладиган талаблар. Психодиагностик текширувнинг асосий ахлоқий қоидалари. Касбга йўллаш психодиагностикаси. Психологик профилактиканинг вазифалари. Психологик профилактика ишларининг қўринишлари. Психологнинг психологик-педагогик консилиумдаги вазифалари. Психологик маслаҳат психологик хизматнинг муҳим йўналиши. Амалиётчи психологни коррекцион ва ривожлантирувчи ишлари

IV. Семинар машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулоти учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Янги давр ва психология
2. Психология фанининг предмети ва асосий вазифалари
3. Умумий психология фанининг илмий тадқиқот методлари

4. Психологияда билиш жараёнлари
5. Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари
6. Сизги психик жараён сифатида
7. Идрок. Дикқат. Хотира. Тафаккур
8. Тил ва тафаккур
9. Нутқнинг психологик таснифи
10. Шахснинг установаки, эътиқоди ва дунёқараши
11. Мотив ва мотивация
12. Эҳтиёж. Қобилият
13. Мактабгача ёш даврида психик ривожланиш хусусиятлари.
14. Кичик мактаб ёши даврида психик ривожланиш хусусиятлари.
15. Характер. Ҳиссиёт
16. Ёш ва педагогик психология фанининг предмети, вазифалари ва тадқиқот методлари
17. Психик тараққиёт ва таълим
18. Ўсмирлик даврида психик ривожланиш хусусиятлари
19. Илк ўспиринлик ёши даврида психик ривожланиш хусусиятлари
20. Педагогик фаолият психологияси
21. Таълим психологияси. Тарбия психологияси
22. Педагог шахси. Ўқитувчи психологияси
23. Ижтимоий психология фанининг предмети ва вазифалари
24. Мулоқот ва шахслараро муносабатлар психологияси. Жамият ҳаётида мулоқотнинг туган ўрни
25. Этник гуруҳлар психологияси. Этнопсихология асослари
26. Катта ва кичик гуруҳлар. Ижтимоий гуруҳлар психологияси
27. Ижтимоий психологияда шахс муаммоси. Шахснинг ижтимоий психологик типологияси
28. Шахс ижтимоийлашуви муаммоси
29. Шахсни психодиагностик баҳолаш
30. Қобилиятлар ва уларни аниқлаш методикаси.
31. Шахсда агрессиянинг намоён бўлиши
32. Гуруҳлар билан ишлаш психологияси. Гуруҳларда низоли вазиятларни бошқаришнинг психологик асослари
33. Бошқарув психологияси. Лидерлик назариялари
34. Жамоани бошқариш психологияси. Ходимлар психологияси.
35. Таълим муассасаларида психологик хизматни ташкил этиш. Психологик хизмат йўналишлари.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Умумий психология фанининг ўрганилиши
2. Ўзбек психолог олимлари
3. Рус психолог олимлари
4. Хориж психолог олимлари
5. Шахснинг, хиссий, иродавий соҳаси ва ҳиссиётлар ҳақида
6. Сизги психик жараён сифатида
7. Идрокнинг таърифи ва унинг хусусиятлари
8. Психиканинг фелогенетик тараққиёти
9. Дикқатнинг ривожланиши ва дикқат фаолиятнинг зарурий шартлари

10. Таълим муассасаларидаги психологик хизмат мазмуни.
11. Ижтимоий психология. Социометрия методи.
12. Мулоқот ижтимоий психологиянинг предмети сифатида.
13. Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси ва этнопсихология
14. Кичик гуруҳлар психологияси: классификацияси, динамик жараёнлар
15. Шахснинг ижтимоийлашуви. Ижтимоий установакалар
16. Темперамент типига мос жуфт танлаш- оилавий муносабатлар мустаҳкамлиги омили сифатида
17. Нерв системаси ва темперамент
18. Инсон характери ва шахс камолоти
19. Психик ва биологик тараққиёт шартлари.
20. Ёш тараққиётини даврларга бўлиш
21. Ёш тараққиётининг даврларга бўлиниши.
22. Гўдаклик даврида психологик тараққиёт.
23. Эрта болалик даврида боланинг аклий ривожланиши.
24. Боғча ёши даврининг психологик хусусиятлари.
25. Мактабга кириш билан боғлиқ психологик қайта қурилиш.
26. Ўқувчиларни ўз-ўзини англаши ва қизиқишлари.
27. Ўспиринлик даври ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
28. Педагогик жамоадаги психологик иқлим.
29. Таълимнинг муваффақиятига таъсир этадиган омиллар
30. Билим, кўникма ва малакаларни ошириш масалалари
31. Психологияда тарбия механизмлари.
32. Ўқитувчининг педагогик қобилиятлари

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. David G. Myers Psychology, USA , 2010.
2. James W. Kalat Introduction to Psychology, USA, 2013
3. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2010
4. Ғозиев Э.Г. Онтогенез психологияси. Тошкент, 2010

Қўшимча адабиётлар

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
11. Смирнов А.Г. Практикум по общей психологии М.2011
12. Столяренко Л.Д. Основы психологии Ростов на- Дону, 2010
13. Морозов А.В. Психология влияния. М. “Питер” 2010й.
14. Б.М. Умаров Психология , Тошкент, 2012

Интернет сайтлари

15. www.expert.psychology.ru
16. www.psycho.all.ru
17. www.psychology.net.ru
18. www.koob.ru